• *Ислоҳот — амалда*

# МУЛК ЎЗ ЭГАСИНИ ТОПМОҚДА

***Юртбошимизнинг саъй-ҳаракати туфайли мамлакатимизда изчиллик билан ўтказилаётган ислоҳотлар иқтисодиётнинг барча тизимлари, соҳаларида, тармоқларида ўз самарасини бераётир. Ислоҳотларнинг иккинчи босқичи муҳим шартларидан бири эса мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ишлари билан боғлиқдир.***

— Жонажон юртимиз мустақиллигининг тўртинчи йили ҳам иқтисодий ислоҳотларни собитқадамлик билан амалга ошириш йили сифатида тарихда қолди, — дейди Фарғона вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят мулкчилик қўмитаси бошлиғи Анваржон Эргашев. — Иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришнинг ҳал қилувчи шартларидан бири — мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, уни чинакам эгалари ихтиёрига топшириш, шу йўл билан юртимизда мулкдорлар синфини яратишдан иборатдир. Бу борада вилоятимизда олдинга қўйилган режаларни ёруғ юз билан бажаришга эришяпмиз.

Умуман олганда, 1995 йилда вилоятимиз бўйича жами 75 та халқ хўжалик нуқтаси давлат тасарруфидан чиқарилиши режалаштирилган эди. Бу кўрсаткич ҳозирги кунга қадар 81 тага бажарилди. Бунинг эвазига давлат хазинасига маблағ тушириш режаси 129 фоизга адо этилди. Режадан ортиқча топилган 66,5 миллион сўм маблағ эса халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини тараққий эттиришга сафарбар этилди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги соҳасига хизмат кўрсатувчи 5 та корхона қўшимча равишда хусусийлаштирилди.

Ҳозирги кунда вилоятимизда 320 та очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ишлаб турибди. Шулардан 213 таси ўтган йили янгидан барпо этилди. 107 та ёпиқ турдаги акционерлик жамиятининг тузилгани эса хусусийлаштириш жараёнида оддий фуқароларнинг ҳам тўсиқларсиз иштирок этишларига имкон берди.

Вилоятимиз фонд биржаларида бултур 61 миллион 767 минг сўмлик олди-сотди ишлари амалга оширилди. Акциялар сотишдан 41 миллион 96 минг сўм маблағ тушди. Бу режада белгиланганидан 9 миллион 96 минг сўм кўпдир. Акциялар сотиш иши, айниқса, йилнинг кейинги чорагида намунали йўлга қўйилганлиги туфайли бу давр учун белгиланган режа 42 баравар ошириб бажарилди.

Республика Фонд биржасида қайта ташкил этилган ҳиссадорлик жамиятларининг 71 минг 258 дона қимматли қоғозлари ҳам вилоятимизда сотилди. Бунинг эвазига 59,8 миллион сўм маблағ олинди. Вилоят қимматли қоғозлар дўконлари орқали сотилган акциялар миқдори эса 2 миллион 221 минг сўмга етди.

1995 йил мобайнида жами 36 та «Ким ошди» савдоси ўтказилди. Савдога қўйилган 968 та нуқтадан 307 таси ўз эгаларини топди. Сотилган иншоотларнинг бошланғич баҳоси 21 миллион 328 минг 200 сўмни ташкил этган бўлса, савдодан сўнгги қиймати 57 миллион 752 минг 800 сўмдан ошди. Натижада, халқ хўжалигига қўшимча равишда 36 миллион 424 минг сўмдан ортиқроқ маблағни сафарбар этиш имкони туғилди. Сотилган нуқталардан 20 таси эгаллаб турган ер майдонлари билан сотилган бўлса, 310 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш нуқталарини қуриш учун эса қўшимча ерлар сотилди. Шунингдек, 50 та автомашина, 4 та қурилиши тугалланмаган иморат, 10 та автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси ҳам тадбиркорларнинг мулкига айланди.

Хусусийлаштириш жараёнидан кейин 4 минг 533 та хусусий, кичик корхона ва фермер хўжалиги рўйхатга олинди. Бу борадаги топшириқ эса ортиғи билан бажарилди.

Республика Давлат мулки қўмитаси маблағлари эвазига вилоятимиздаги 26 тадбиркорга 28 миллион 750 минг сўм миқдорида аниқ мақсадларни кўзлаган қарзлар берилганди. «Бизнес-фонд» йўли билан берилган мақсадли қарзлар суммаси 13 миллион 300 минг сўмни ташкил этди. Бу маблағлар фақат халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, маҳсулот ҳажмини кўпайтиришга сарфланди.

Тадбиркорлик фаолиятларини кенгайтириш учун, албатта, бинолар, иншоотлар, ер майдонлари зарур. Бизнинг бошқармамиз вилоятимиздаги корхоналар ва ташкилотлар ихтиёридаги вақтинча иш билан банд бўлмаган ана шундай бинолар ва иншоотларни, ишлаб чиқариш воситаларини тафтиш қилиб топиб, ишбилармонларга ижарага берилишини ташкил этмоқда. Ҳозиргача 168 бино ва иншоот ижарага берилди. Шу йўл билан салкам 28 минг квадрат метр ишлаб чиқариш майдонларида меҳнат жараёнлари қайта жонланди. Аукционда эса жами сатҳи 38 минг 200 квадрат метр майдонга эга бўлган бинолар сотилди.

Хусусий тадбиркорлар учун зарур бўлган моллар ва ресурслар олди-сотдисини ташкил этиш мақсадида 62 та майда улгуржи ярмаркалар ва бозорлар ўтказилди. Ҳозир вилоятда 160 та майда улгуржи савдо дўконлари, тижорат марказлари, савдо уйлари ишлаб турибди. Улар орқали сотилган ва харид қилинган моллар ва ресурслар миқдори 41 миллион сўмни ташкил этди. Шулардан 31 миллион сўмлик моллар ва ресурслар экспорт қилинган бўлса, 5 миллион сўмлиги четдан келтирилди.

Ўтган йилнинг апрель ойидан бошлаб вилоятимизда республика мол-хомашё биржасининг шохобчалари фаолият кўрсатмоқда ва ресурслар олди-сотдиси бўйича шартномалар имзоланди. Уларда ҳар ойда ўртача 19 миллион мол айланмоқда.

Ишбилармон ва тадбиркорларимизнинг малакаларини ошириш учун барча имкониятлар мавжуд. Биргина бултурнинг ўзида 1 минг 380 нафар ишбилармон турли билим масканларида бозор муносабатлари қонуниятларини ўганди.

Ҳозирги даврда вақтинчалик ишламаётганларни иш билан таъминлаш масаласи энг долзарб муаммолардан биридир. Шу мақсадда Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга мадад берувчи фонд билан ҳамкорликда «Корхона — маҳалла» дастурини ишлаб чиққанмиз. Шунга кўра, Марғилондаги «Хон-Атлас», Қўқондаги «Озод» ва «Улуғбек» ҳиссадорлик жамиятлари кўмагида хўжаликларда ишламаётган, лекин меҳнатга лаёқатли фуқаролар иш билан таъминланмоқда. Улар уйларда турли иш кийимлари, кўрпа-тўшаклар жилдлари, пайпоқлар тикишаётир. Натижада ўтган йили вилоятимиз бўйича 4,5 миллион сўмликдан ортиқ халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга эришилди.

Вилоят мулк бошқармаси томонидан 62 та қўшма корхона рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг чет эл инвестицияси салмоғи 122 минг 240 долларга етди. Шунингдек, бир қатор қўшма корхоналарни барпо этишнинг ташкилий тадбирлари поёнига етказилди. Фарғона пойабзал ҳиссадорлик жамияти билан Германиядаги «Саламандер» фирмаси, Тошлоқдаги нотўқима қопламалар фабрикаси билан Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорацияси, «Пахтасаноатсотиш» корхонаси билан Туркиядаги «Язекс» фирмаси ҳамкорлигида барпо этилган қўшма корхоналар шулар сирасига киради. Шубҳа йўқки, ишлаб турган ва эндиликда ишга тушириладиган бундай корхоналар мамлакатимиз тараққиётига, халқимиз фаровонлигига салмоқли ҳисса қўшади.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *Диққат: янгилик!*

# МЎМИЁНИНГ ЯНГИ МЎЪЖИЗАСИ

***«Минерал» кўп тармоқли ширкат раисининг муовини Н. Исабоев бир гуруҳ мутахассис ва тажрибакорлар билан олиб борган кўп йиллик илмий-амалий изланишлардан сўнг мўмиёнинг деҳқончиликда асқотадиган янги қиррасини кашф этди.***

***Ҳозир фақат саноқли кишиларгагина маълум бўлган бу янгиликнинг моҳиятини кўпчиликнинг ҳукмига ҳавола этиш орқали соҳага алоқадор олиму мутахассисларнинг муносабатларини аниқлаш ва уларни холис баҳс-мунозарага чорлаб, пировардида тавсия этилаётган янгилик хусусида якуний хулосага келиш мақсадида Н. Исабоев билан суҳбатлашдик.***

— «Минерал» ширкати раиси И. Ниёзов, раисининг фан бўйича биринчи муовини Г. Плотников, илмий раҳбар Э. Одилхўжаев ва мен бойитилган мўмиёга эга тоғ жинслари эритмаси билан ўсимликларга ишлов беришнинг самарасини аниқлаш устида 1988-1994 йиллар давомида илмий-амалий изланишлар олиб бордик. Бундай эритмадан фойдаланишнинг турли усулларини синаб кўрдик. Чунончи, 1989 йилда Косон туманидаги «Гулбоғ» хўжалигида уруғлик чигит мўмиёли тоғ жинслари эритмасида намлаб экилди ва у одатдаги усулда экилганига нисбатан 4-5 кун олдин униб чиқди. Ҳатто, кучли ёмғир натижасида шудгор бетида ҳосил бўлган қалин қатқалоқни ҳам бемалол ёриб чиқди.

Китоб туманидаги «Госхозза̀вод», Муборак туманидаги «Гулистон», Меҳнатобод туманидаги «Пахтакор» ва Юнусов номли, Мирзаобод туманидаги «Москва», Қуйи Чирчиқ туманидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» давлат хўжаликлари ва шу тумандаги Улуғбек номли ҳамда Ўрта Чирчиқ туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжаликларида олиб борилган тажрибалар ҳам ҳайратомуз натижалар берди. Тажриба майдонларининг бирортасида чигитни қайта экишга мутлақо ҳожат сезилмади. Совуқ ҳаво узоқ муддат сақланиб турган шароитда ҳам нам меъёрдан ортиқча бўлган ва совуқ тупроқда ҳам чигит чиримай, тўла униб чиқди. Ғўза ниҳоллари совуқ ва бошқа табиий таъсирларга бемалол бардош бериб, заҳарланмади.

Ғўзанинг ўсиши, шоналаш, гулга ва ҳосилга кириш даврларида бойитилган мўмиёли тоғ жинслари эритмасини ОВХ-28 аппаратида пуркаш ҳам яхши самаралар бериши аниқланди. Чунончи, тупроқ таркиби яхшиланди (тупроқни юмшатадиган лойхўрак чувалчанглар пайдо бўлди), ғўзани суғориш 20-30 фоиз камайди, ўсиши, гулга ва ҳосилга кириши, пишиб етилиши тезлашди. Чўл шароитларида ғўза сувсизликка мослашди, ёз чилласининг иссиғи ва гармсел таъсирида ғўзанинг гул ва шона ташлаши юз бермади. Маъдан ўғитларига бўлган эҳтиёж 50 фоиз камайди, зараркунанда ҳашоратларга қарши заҳарли кимёвий дорилар мутлақо ишлатилмади. Вильт, шира ва бошқа касалликлар, ўргимчаккана, кўсак қурти тарқамади. Чигитдаги ёғ миқдори 15-20 фоиз ошди ва экологик тозалиги таъминланди. Айниқса, толанинг мустаҳкамлангани муҳим ютуқ бўлди. Чунки жаҳон бозорида у ёки бу мамлакат пахтасининг нуфузи, аввало, айнан шу кўрсаткич билан белгиланади.

**— Бойитилган мўмиёли тоғ жинслари эритмаси фақат пахтазорларда синаб кўрилдими ёки бошқа экинлар устида ҳам илмий-амалий тажрибалар ўтказилдими?**

— Биз ўзимиз ихтиро қилган янгиликни турли сабзавот экинлари ва картошка пайкалларида ҳам эринмай, атрофлича синаб кўрдик. 1986 йил январнинг бошида Тошкент туманидаги Охунбобоев номли ва Ильич номли жамоа хўжаликларида кўкламда очиқ майдонларга экиш учун кўчат тайёрлаш мақсадида помидор, карам, булғори қалампир ва бақлажон уруғлари шундай эритма билан намланиб, иссиқхоналарга экилди ва одатдагидан 2-4 кун эрта униб чиқди. Ана шу ёш ниҳолларга мўмиё эритмаси компрессор ёрдамида 3 марта пуркалди. Натижада апрелга бориб, кўчатларнинг бўйи одатдагидан 2-4 сантиметр баланд ва танаси анча йўғон бўлиб етилди.

Уруғлик картошка, помидор, карам, булғори қалампир, бақлажон кўчатлари илдизлари мўмиёли эритма аталасига ботирилиб, очиқ далага экилди. Уларга ўсиш даврида мўмиёли эритма билан 3-4 марта ишлов берилди.

Охунбобоев номли, Ильич номли жамоа хўжаликларида ўтказилган бу тажрибалар 1988-1992 йиллар давомида Косон туманидаги «Гулбоғ», Китоб туманидаги «Госхоззавод» давлат хўжаликларида ҳам такрор синаб кўрилди. Натижалар шуни кўрсатдики, мўмиёли аталага ботириб экилган уруғлик картошка тўла униб чиқаркан, сабзавот экинлари кўчатлари ҳам сўлиб қолмай, тез амал оларкан.

Ўсиш, шоналаш, гулга ва ҳосилга кириш даврларида баргларига ҳар 15-20 кунда мўмиё эритмаси билан 2-3 марта ишлов берилганидан сўнг сабзавот ва картошкага ҳар хил зараркунанда ҳашорат ва касаллик тушмади, ўсиши тезлашди ва ҳосилдорлиги ошди.

Апрель ойида оддий усулда экилган бодринг июннинг 15-20 ларига бориб, 20 июлда экилган кечки бодринг эса 10-15 сентябрларда барги шўрланиб, ўсишдан тўхтаб, ҳосилдан қолса, бизнинг тажриба қўлланиб, апрелда экилган бодринг октябрнинг охиригача ўсишда давом этиб, ҳосил бераверади. Помидор ҳам худди шундай: оддий усулда экилгани узоғи билан сентябрда қуриса, мўмиё эритмаси қўлланилгани кузнинг ўрталарида ҳам гуллайверади.

Муҳими шундаки, сабзавот ва картошкага ҳам маъданли ўғит солиш 50 фоиз камаяди, заҳарли кимёвий дорилар умуман ишлатилмайди. Ҳосил ҳам экологик жиҳатдан мусаффо бўлади.

**— Янгиликнинг бу жиҳатлари ҳақиқатан ҳам эътиборга лойиқ кўринади. Аммо тўйинган мўмиёли тоғ жинслари ўзимиздан чиқадими? Унинг заҳиралари оммавий қўлланиш учун етарлими?**

— Бу масалада муаммо йўқ. Ўзбекистоннинг тоғли минтақаларида мавжуд бўлган оҳак тошлар, мармар-оҳак тошлар, оҳак-сопол тошлар, мармар-сопол тошлар, гил-сопол тошлар ва кўмир-сопол тошлар тектоник шароитларда жисмоний силкинишлар ва ишқаланишлар натижасида майдаланиб, парчаланиб, қиррали майда шағал, қум, лой, гил ва толқон жинсларига айланган. Камида 2-5 миллион йиллар давомида об-ҳаво ва ёғинлар таъсирида қор сувлари эритган табиий мўмиёлар ана шу жинсларга сингиб, уларни жипслаштириб, янги мўмиёли тоғ жинслари ҳосил қилган. Буларнинг заҳиралари беҳисобдир. Навбатдаги вазифа: турли минтақалардаги ана шу тоғ жинсларидан намуналар олиб, уларни лаборатория йўли билан ўрганиш ва бойитиш чораларини кўришдан иборатдир. Зеро, мўмиёли тоғ жинслари таркибида сувда яхши эрийдиган ҳар хил шифобахш тузлар, аминокислота, стероид, фосфоликид, умумий азот ва фосфор бор. Айрим намуналарда эса 25-30 хилгача элементлар учрайди.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ**
**суҳбатлашди.**

• *«Халқ сўзи» бонг уради*

# ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС...

***Мамлакатимиздаги қурилиш иншоотларини, кон-қазилма саноатини, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини металл маҳсулотларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бироқ бундай маҳсулотлар нархининг қимматлиги ҳаммага маълум.***

Шу боис республикамизда маҳаллий ҳокимият органлари, бир қатор вазирликлар, идоралар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва ходимларининг куч-ғайратлари туфайли ҳар йили белгиланганидан кўпроқ темир парчалари тўпланиб, қайта ишлаш учун топширилмоқда. Бу ҳол ўз навбатида Бекободдаги «Ўзметкомбинат» акционерлик бирлашмасининг бир маромда ишлашини таъминлаётир. Бирлашма жамоаси эса қатор корхоналарга металл маҳсулотлари етказиб берибгина қолмасдан, балки катта маблағнинг тежаб қолинишига эришмоқда. Бироқ...

— Биз ўтган йили 14 минг тонна темир парчаси топшириб, бу борадаги режани ошириб бажардик, — дейди республика иккиламчи қора металлар ижара бирлашмасининг Урганч бўлими бошлиғи Анвар Оллаберганов. — Қўлга киритилган ана шу ютуққа Гурлан, Шовот, Қўшкўпир, Хонқа ва Боғот туманлари, шунингдек, «Урганчёғ» ҳиссадорлик жамияти, Хоразм давлат хўжаликлараро қурилиш тресги, «Агромашсервис» ва «Хоразмтранс» бирлашмаларининг меҳнаткашлари, айниқса, муносиб ҳисса қўшдилар. Лекин шунча миқдордаги металломнинг ҳақини «Ўзметкомбинат» ҳиссадорлик бирлашмасидан ҳанузгача ололганимиз йўқ. Вилоятимизда, ҳатто 1994 йилги темир-терсак учун бу бирлашма билан ҳисоб-китоб қилолмаган корхоналар ҳам бор. Тўғри, шартномада қайта ишлаш корхонаси топширилган ҳар тонна қимматли иккиламчи хомашёнинг 10 фоизи миқдорида прокат бериши кўзда тутилган. Афсуски, «Ўзметкомбинат» бу мажбуриятни ҳам бажармаётир. Хусусан, 1994 йили Урганчдан Бекободга жўнатилган 10 минг тонна темир-терсак учун 1000 тонна ўрнига 600 тонна, 1995 йили эса 14 минг тонна металлом ҳисобига атиги 120 тонна металл прокати олдик.

«Ҳисобли дўст айрилмас», дейишади. Агар «Ўзметкомбинат» ҳиссадорлик бирлашмаси зиммасидаги мажбуриятларни ўз вақтида бажарганларида, албатта, Хоразмда бундан-да кўпроқ темир парчалари йиғиларди. Қолаверса, бугунги кунда 4 минг тонна металломга мўлжалланган майдончада 10 минг тонна қимматбаҳо металл бўлаклари тўпланиб қолмаган бўларди. Бунга тегишли ташкилотларнинг раҳбарлари нима деб жавоб берарkin?

**А. СОБИРОВ,**
**И. ЎТБОСАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**



***Ҳайдовчилик — ҳожатбарор касб. У кишилар узоғини яқин, оғирини енгил қилади. Сиз суратда кўриб турган Муҳиддин Рўзиев «Муборакгаз» бирлашмасида узоқ йиллардан буён ҳайдовчи бўлиб ишлайди. У қурувчи-монтажчиларни ўз вақтида ишга олиб келиш ва ишдан сўнг уйларига элтиб қўйиш вазифасини сидқидилдан ўтамоқда.***

**Т. ҲАМРОҚУЛОВ**
**тасвирга олган.**

# ТУМАН МАРКАЗИДА ГУЗАРЛАР ҚУРИЛАДИ

***Ғаллаорол тумани ҳокимлиги Президентимизнинг халқ депутатлари Самарқанд ҳамда Қашқадарё вилоят кенгаши сессияларидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар асосида 1996 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини китобча ҳолида кўп нусхада чоп этди.***

Ушбу дастурда ҳаётимизнинг энг муҳим жабҳаларини ривожлантириш, қишлоққа саноатни олиб кириш, узоқ чўпон овули ва қишлоқларни газ, ичимлик суви билан таъминлаш, маиший хизмат шаҳобчаларини кўпайтиришга асосий ўрин берилган. Ғаллаорол шаҳрида, йирик ташкилот ва хўжаликлар марказида қурилажак гузарлар мажмуи изоҳлаб ўтилган. Жумладан, туман марказида саккизта янги чойхона, тўртта кичик бозор, еттита этикдўзлик устахонаси, иккита сартарошхона, тўртта новвойхона, олтита суратхона, ўнлаб гўшт ва тижорат дўконлари қуриб, ишга туширилади.

**Ҳ. НАБИРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *Ҳуқуқшунос минбари*

***Одамлар вақтинчалик иқтисодий қийинчиликларга, етишмовчиликка чидашлари, уни тўғри тушунишлари мумкин. Бироқ кишилар адолатсизликка ҳеч қачон чидашмайди.***

***Ислом КАРИМОВ.***

# СЎНГГИ СЎЗ АЙТИШ МАСЪУЛИЯТИ



Истиқлолининг бешинчи баҳорига қучоқ очаётган Ўзбекистонимизда ҳуқуқий давлат пойдевори яратилмоқда. Қабул қилинган янги қонунларимизда юртимизнинг миллий жуғрофий ўрни, фуқароларимизнинг ахлоқий ақидалари ўз ифодасини топмоқда. Энг муҳими, юртимизда кишилар ўз ҳуқуқ ва бурчларининг барча тамойилларини билиб олишга ҳаракат қилишмоқда. Бироқ булар ҳали камлик қилади. Матбуот ва телевидениеда ҳуқуқий мавзулардаги тарғибот ва ташвиқотга ҳозиргидан ҳам кўпроқ ўрин ажратилмоғи, эътибор янада кучайтирилмоғи керак.

Асосий қонунимизнинг 44, 48-моддасида шундай жумлалар бор: «Шахсни ҳурматлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини қўриқлаш — барча тергов органларининг ва мансабдор шахснинг бурчидир... Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ор-номусига ва қадр-қимматларига, ўз ҳаётлари ва соғликларига, шахсий эркинликлари ва мол-мулкларига тажовузлардан суд орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадирлар».

Юртбошимиз Олий Мажлис ва вилоятлардаги сессияларда ҳуқуқ-тартибот идораларининг бугунги ишини кескин танқид қилди. Кишилар ҳузуримизга иккиланиб ва қўрқиб ташриф буюришини таъкидлади. Шахсан мен бундай фикрларга қўшиламан. Яширишнинг нима ҳожати бор. Ҳали айримларимиз «қизил империя салтанати» мерос қилиб қолдирган иш юритиш усулидан батамом қутилганимиз йўқ.

Баъзи кишилар эса ўз ҳуқуқларини яхши тушуниб етмаганликларидан суд идораларини фақат жазо тайинлайдиган, одамларни қамайдиган жой сифатида тушунадилар. Аслида суд идоралари адолат қасри сифатида яхшилик ва ёмонлик тошларини тарозига қўядиган жой сифатида шаклланмоғи керак.

Прокуратура ва ички ишлар органлари ҳуқуқ-тартибот яхлитлигини янада яққол таъминлайдиган энг муҳим ва энг масъулиятли бўғинлардир. Судлар эса охирги сўзни айтувчи маскан сифатида икки баравар кўп масъулиятни ўз зиммасига олган идора ҳисобланади. Бизнинг қўйган ҳар бир қадамимиз, ўқиган ҳар бир ҳукмимиз кишилар ҳаётида кескин бурилиш ясаши билан янада аҳамиятлидир.

Ҳазрат Навоийнинг «ҳар кимки вафо қилса вафо топғусидир, ҳар кимки жафо қилса жазо топғусидир» деган мисралари ҳамиша қулоқларим остида жаранглайди. Бу дунё шундайки, ўзгага жафо қилган, жиноят кўчасига қадам қўйган кимса эртами-кечми ўз жазосини барибир олади. Жиноятнинг ҳам, гуноҳнинг ҳам, нотўғри қўйилган қадамнинг ҳам ўз моҳияти ва сабаблари бўлади. Кимдир юридик маълумотга эга бўлмаганлиги, соддалиги ёки тушунмовчилик орқасидан жиноят кўчасига кириб қолади. Кимнидир бу йўлга қалби қора одамлар бошлайди. Ночорликдан, атрофдагиларнинг бефарқлигидан жиноятчиларга шерик бўлиб қоладиганлар ҳам учрайди. Мен ҳар гал иш кўрганимда мана шу нарсаларни ёдимда тутишга ҳаракат қиламан. Зотан, биз судяларни ҳамиша гуноҳ ва жиноят сабаблари безовта қилиб туриши керак.

Ана шу моҳиятни, ана шу сабабларни эътиборга олмай ҳукмга қўл қўйишимиз гуноҳи азим ҳисобланади. Ҳар бир ҳукмимизда инсонпарварлик, шафқат, ўзганинг ҳолатини қалб чиғириғидан ўтказиш ва шундан кейингина бир хулосага келиш ҳақиқат биносининг тиргагидир. Темур тузукларини ўқиганимда бундан олти аср аввал яратилган бу қонунлар мажмуаси қарийб Ер юзининг тенг ярмида ҳукмронлик қилган улуғ бобомизнинг қонунларга нақадар қатъий амал қилганлигини яққол кўрсатиб беради. Бу қонунлар мажмуаси буюк салтанатнинг гуллаб яшнаши, ҳақиқат ва адолат барча нарсадан устун бўлишига хизмат қилган. Бу тузуклардан Петр I ҳам давлатни бошқаришда унумли фойдаланган. «Агарда кимда ким тиш синдирса, кўзни кўр қилса, қулоқ ва бурнини кесса, шароб ичса, зино қилса девондаги шариат қозиси ёки аҳдос қозисига олиб бориб топширилсинлар» дейилади бу тузукларда. Темур бобомиз адолат бор жойда элнинг кўнгли тўқ, иши унумли, мамлакатнинг эртанги куни эса порлоқ бўлишига имон келтирган. У кишининг қўлларидаги узукда «Куч—адолатда» деган битик бежиз бўлмаган. Орадан қанча асрлар ўтди. Замонлар ўзгарди. Бироқ ҳақу адолатнинг қадри ҳамон осмондадир.

Юқорида фуқаролик ва жиноий ишларни кўриб чиққанда инсонпарварлик, ўзгаларни тушуниш туйғусидан маҳрум бўлмаслик тўғрисида гапиргандик. Бироқ орамизда шундай кишилар ҳам борки, улар учун қонун, жамият ва кишилар манфаати, ҳақу адолат уч пуллик қадр-қимматга эга эмас. Бундай кишиларга шафқат қилиш, уларни аяш, бошини силаш қўзичоқни бўри олдига боғлаб қўйиш билан баробардир.

1968 йили Тожикистон Республикаси, Ленинобод вилояти, Ўратепа туманидаги Жарқўрғон қишлоғида туғилган Тўйчибой Юнусов вилоятимизнинг Боёвут ва Меҳнатобод туманларидан уч маротаба трактор ўғирлайди. Тоғни урса талқон қиладиган, ақлий жиҳатдан соғлом бўлган бу йигит ҳаром луқмаларнинг гадосига айланади. Наҳотки мана шу йигит қилган жиноятининг моҳиятини ва оқибатини билмайди, деб ўйлаш мумкин. Суд тергови жараёнида у ўз ҳуқуқини тузуккина билишига имонимиз комил бўлди. Тўйчибой Юнусовнинг қилмишини бирон-бир баҳона билан оқлаб бўладими? Ахир у онгли, шуурли, тушунчаси ва дунёқараши шаклланган шахсдир. У жиноят кўчасига текин даромад орттириш ниятида қасддан ва пухта режалар асосида қадам қўйган. 11 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган бу йигит қилмиши ўзгаларга ибрат бўлмоғи керак.

Яна бир мисол. Дилшод Муродов ва Шамсиддин Шодмонқуловлар ўзаро тил бириктириб, танишлари бўлган Ҳакимжон Холматовнинг жонига қасд қиладилар. Ховос посёлкасида яшовчи бу йигитлар Ҳакимжоннинг «Жигули» машинасини кира қилиб, Ховос туманининг Гулбаҳор посёлкасига олиб бориб қўйишни илтимос қилишади ва йўлда...

«Фарҳод» ширкатлар уюшмасининг ҳудудида Дилшод ва Шамсиддин Ҳакимжоннинг машинасини тортиб олиш ва уни пуллаш мақсадида, олдиндан юракларига туккан қора ният туфайли йўлда машинани тўхтатиб, ҳайдовчини дўппослашга тушадилар. Унинг танасига рўзғор пичоғи билан бир неча бор хавфли жароҳат етказадилар. Пичоқ еган, бошига темир билан урилган Ҳакимжон Холматов кўп ўтмай ҳаётдан кўз юмади. Тўғри, биз судьялар бу каби ва шунга ўхшаш жиноий ишларни кўраверив кўзимиз ўрганиб кетган. Бироқ суд залида ўтирган марҳумнинг жигарлари ва қариндош-уруғларининг ҳолати менинг юрагимни ларзага солди. Наҳотки пул, моддий бойлик инсон ҳаётидан устун турса. Бу қотилликни ҳеч бир сабаб, ҳеч бир баҳона оқлай олмайди. Айниқса, худбинлик, пасткашлик билан қилинган қотилликка шафқатсиз бўлмоқ керак. Қуръонда тирик жонни ҳаётдан бенасиб этиш гуноҳи азим ҳисобланган. Инжилни олиб қаранг, бу китобда ҳам инсонни ҳаётдан жудо айлаш кескин қораланган. Лекин афсуски, Дилшод Муродов ва Шамсиддин Шодмонқулов каби шумқадам, қора ниятли кишилар ҳали-ҳамон орамизда учраб турибди. Дилшод Муродов энг олий жазога маҳкум этилди. Шамсиддин Шодмонқуловга эса 15 йиллик қамоқ жазоси белгиланди. Суд залида ўтирган кишилар, бу қотилликдан хабардор одамлар енгил тортгандек бўлди. Бироқ мен бир нарсани кўп ўйлайман. Жиноятни фақат жазо билан, қамоқ муддатлари билан камайтириб бўлармикан? Мустақилликка, истиқлолга кескин юз бурган юртимизда фарзандларимизни ва умуман ёшларимизни меҳр-шафқатли, ор-номусли, диёнатли, юртсевар, дили пок ва комил инсонлар қилиб тарбиялаш жиноятчиликни кескин камайтиришдаги энг муҳим ва энг тўғри йўл эканлигига мен ишонаман. Бу тарбия, бу билим оилада, мактабда, маҳаллада кун сайин, ой сайин, йил сайин тобора такомиллашиб бормоғи лозим. Ана шунда адолат тантанасининг тезроқ яқинлашуви янада нақд бўлади.

Юртбошимиз Ислом Каримов «Одамлар вақтинчалик иқтисодий қийинчиликларга, етишмовчиликка чидашлари, уни тўғри тушунишлари мумкин. Бироқ кишилар адолатсизликка ҳеч қачон чидашмайди» деганларида минг бора ҳақ эди. Адолат мисоли бинафшадир. Адолат бу кўклам суратини қанотларида олиб келувчи қалдирғочдир. Кўклам эса яшашни севган одамларнинг тоза юрагидир. Бас, шундай экан, ҳар биримиз Ўзбекистонимизда ана шу муқаддас туйғуларнинг томир отиши учун қўлни қўлга бериб, дилни дилга пайванд қилиб ҳаракат қилмоғимиз керак. Фақат ана шундагина бизлар пойдеворини яратаётган ҳуқуқий давлатимиз биноси янада муҳташам, янада кўркам, янада маҳобатли бўлади. Бу бино сиз билан биздан келажак авлодларга қолдиражак энг қимматбаҳо меросдир.

**Шавкат ҲАҚНАЗАРОВ,**
**Сирдарё вилояти суди раисининг муовини.**

